


## ФИКРЛАШ ВА ЯШАШГА ЎРГАТАДИГАН КИТОБ



**Виктор АЛИМАСОВ,**  
фалсафа фанлари доктори



Бошқаларни билмадим-у мени фикрлаш ва яшашга китоблар ўргатган. Бирор муаммо туғилган заҳоти ўзим севиб ўқийдиган китобларга мурожаат этаман, ҳаёт сирларини улардан ўрганаман. Столим устида мудом “Маҳобхарата” ва “Луцилийга одоб мактублари” (Сенека) туради. “Маҳобхарата” қахрамони Аржунанинг Яратган билан суҳбати, муҳобазаси, борлиқ, ўткинчи азалият ҳақида ўйлашга ундайди. Эзгулик билан ёвузлик ўртасида, аросатда яшаш – инсон қисмати. Мутлақ эзгулик йуқ, бундай эзгулик муқаррар тарзда ёвузликка, зуравонликка айланади. Мутлақ ёвузлик ҳам йуқ; ҳар қандай зўравонликдан қандайдир позитив жиҳатни топса бўлади. Аммо инсон ўзида эзгуликка оид шундай тасаввурларни шакллантирганки, унинг олий тимсоли сифатида худони яратган. Инсон худогатрансцендент бўлгани, осмоннинг еттинчи қаватида ўтиргани учун эмас, эзгуликнинг олий тимсоли бўлгани учун сиғинади. Ажойиб рус файласуфи Н.А. Бердяев ёзганидек, инсон қалбида илоҳийлик ёки илоҳсифат бўлиш истаги яшайди, бу истакдан уни маҳрум қилсангиз, инсон махлуққа айланади. Тўғрироғи, инсон бир елкасида ўтирадиган Махлуққагина қулоқ солади. Инсон Махлуққа айланиб қолмаслиги учун ахлоқ, дин, эътиқод, муҳаббат, маданият ва ижод деган нарсаларни кашф этган. Аржунанинг изтиробли ўйлари, Яратган олдидаги иккиланишлари менда ана шундай мулоҳазалар уйғотади.

Сенека фалсафаси, дидактикаси бебаҳона бойлик, бундай маъданни яратиш учун ўзликдан, ўз хузур-ҳаловатинг ва истакларингдан воз кечиб, фикр излаш ғами билангина яшаш зарур. Сенека мактублари – ҳаёт сабоқлари, изтиробли, аммо закий қалбнинг ўйлари, ўғитлари. Улардан бирини ўқиган, ҳаётдан сир, маъно, фикр излаётган ўқув-

чи Сенека ижодига ошно бўлиб қолади. “Ҳеч нима бизники эмас, – деб ёзади файласуф замондоши Луцилийга, – фақат вақт бизники. Бу вақтимизни ўғирлайдилар, тортиб оладилар, энг аянчлиси эса ўзимиз беҳудага исроф қилганимиздир”. Вақт – умр, вақтнинг қадрига етмаган – умрнинг қадрига етмаган. Умрдан қимматли, ардоқли, мўътабар нима бор – ҳеч нима! Минг афсуски, ваҳки, биз – инсон ушбу ҳикматнинг мағзига етмаймиз.

Эркин Воҳидов вақт, фурсат ҳақида бетакрор шеър битган:

Фурсат – олтин,  
Сен кўкрак кериб,  
Олтинингни сочиб борасан,  
Фурсат қувар,  
Унга чап бериб,  
Сўроғидан қочиб борасан...  
Шошма йигит  
Вақт келиб бирдан  
Фурсат ушлар маҳкам ёқангдан.  
Фойда бермас  
Минг тавбанг у кун.  
Фурсат сўрар экан сарҳисоб,  
Бенаф ўтган ҳаётинг учун,  
Вақт олдида берурсан жавоб.

Ҳа, ҳамма-ҳаммамиз вақт олдида жавоб берамиз. “Қалб безовталиги – иллат” (Сенека). Ахир мутасаввуфлар қалбни осуда, пок тутишга чорламайдими? Қалби безовта киши ором билмайди, барқарорликни қадрламайди. Югур-югур, чоп-чоп, келтир-келтир, ҳаёт тарзига айландими, тамом, сиз ҳеч нимадан осойишталик, қониқиш, хузур ва завқ тополмайсиз. “Ким кўп ерда – у ҳеч ерда” (Сенека). Қалбга, руҳга, дайди кезиш ярашмайди, улар кераги билан қаноатланади. Керагидан ортиғи – азоб, азият, ташвиш. Ушбу кераги – қанча? Буни ҳеч ким билмайди,

<sup>1</sup> Сенека, Луций Анней. Нравственные письма к Луцилию. Перевод и примечания С.А.Ошерова. – Москва: Наука, 1977.

Сенеканинг ўзи ҳам. У донишмандона ўғит, панд-насиҳат қилади: “Биллур қандиллар саройингни безатиши мумкин, лекин дилингни безатолмайди, сен дилингни гўзал, олижаноб, бебаҳо қиладиган нарсалар ҳақида қайгур. Уйинга келган биллур қандилларингдан эмас, гўзал дилингнидан хайратлансин.”

Биламан, ҳозирги ҳаёт, бозор иқтисодиёти бу ўғитни назарга олмайди, уни консерватив қараш сифатида рад этади. Аммо масалага азалият нуқтаи назаридан қарасак, файласуф ҳақ. Минг карра ҳақ. Қалби, дили, ўйи ва ниятлари гўзал, олижаноб инсон сиздан ҳеч нима тиламайди, балки сиз унга талпинасиз, унинг ёнида бўлгингиз келади, ундан тинмай ўргангингиз келади. Ёшларга шундай идеал инсонлар керак, аммо биз, минг ваҳки, ибратли шахс бўлишга интилмаймиз. Турмуш ташвишлари, юқоридаги югур-югурлар бизнинг дилимиздан гўзал бўлишни ҳам, азалиятни ҳам қувган. Мана, давр фожиаси!

“Ўзингга аъмони эмас, аълони яқинла”. Аъмодан аъмолик юқади. Халқ мақоли бор: “Отнинг ёнига эшакни боғласанг, ранги бўлмасанда, хусусияти юқади”. Кимни аъло куришни истасангиз, уни аъло яқин тутинг. Аъло ким? Ўқиган, билган, яратадиган – аъло. Мен учун эса қалби пок, очик, ҳаётсевар ва инсонсевар – аъло! Ҳаёт бизга борликни, тирикликни ардоқлаб яшаш

хислатини ато этган. Бу хислатсиз инсондаги ҳеч нима ардоқли эмас. Файласуф ёзади: “Гўзал қалбдан бошқаси ҳайратга, тасаннога лойиқ эмас”. Мана, ҳаётсеварлик ва инсонсеварлик негизи!

Сенека инсондаги ҳурликни эъозлайди. Руҳи ҳур, ҳатто зиндонда ҳам ҳур, руҳи банди – мудом банди. Фалсафа ҳурлик илми, уни севмай ҳурликни севиб бўлмайди. Ким файласуф бўлишни истаса, у ҳурликни севсин. Ҳурлик эса зиндонга етаклаши, бошга маломатлар, ҳатто тиғ келтириши мумкин. Мансур Халлож “анал ҳақ”, яъни “мен ҳақман” деган эътиқоди учун тўққиз йил зиндонда ётган, кейин вужуди парчаланиб, дорга илинган. Ҳурликни ҳимоя қилиш, унга етиш ҳеч қачон, ҳеч ерда осон бўлмаган. “Ўзини бахтиёр сезмаган – бахтиёр эмас.” Бахтиёр бўлиш учун сев. Инсонни сев. “Севилишни истасанг – сев”. Инсондаги энг олийжаноб хислат севиш. Севиб яшаш, севилиш. Мазкур хислат одамни ҳайвонот олаmidан ажратган, уни Аристотель айтганидек, “Ижтимоий мавжудотга айлантирган. Кимлигинг билмоқчимисан, севиб кўр.” Пул – оддий қоғоз, тилла – оддий темир, фақат меҳр, севги, инсон – мўътабар! Инсон ушбу туйғуси билан илоҳсифат!

Хуллас, ҳаёт фалсафаси жо этилган “Луцилийга одоб мактублари” асари билан Сенека мени фикрлашга, яшашга ўргатиб келади.

## “INFOLIB UZBEKISTAN – 2019”



**Асқар ҒОЗИЕВ,**  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
Йиғма электрон каталог маркази  
директори

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жорий йилнинг 28 октябрь – 1 ноябрь кунлари анъанавий “INFOLIB UZBEKISTAN – 2019” VIII Миллий Ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик давомида 40 га яқин тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари, танловлар, тренинглари, тақдимотлар, маҳорат



дарслари ташкил этилди. Ҳафталик доирасида кутубхонага 8701 нафар фойдаланувчи ва меҳмонлар ташриф буюрди.

Ҳафталикнинг илк кунида “Кутубхоначилик соҳасидаги ислохотлар – янги давр кутубхоналари” мавзусидаги “Бетгерхонлик – 2019” давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва